O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 22 май сешанба
Сотувда эркин нархда № 99 (2661)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Мустақиллик иншоотлари

Гулбаҳор қўрғонида коллеж



Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Гулбаҳор қўрғонида янги касб-ҳунар коллежи қад кўтармоқда. 900 ўқувчига мўлжалланган бу таълим муассасаси саноат ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишидаги ёш мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштиради. Янгийўл туманидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаб, ушбу коллежга қадам қўядиган ўқувчилар ипакчилик, виночилик, чеварлик, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунослик, сартарошлик каби ўз яшаш жойларида зарур мутахассислик ва касб-ҳунарларни эгаллаб чиқадилар.

Коллеж учун Гулбаҳор қўрғони ҳудудидан 6 гектарлик майдон ажратилди. Бу ҳудудда коллежнинг ўқув биноларидан ташқари стадион, спорт зали, бассейн, устахона, кутубхона, ошхона, 200 ўринли барча қулайликларга эга замонавий ётоқхона бунёд этилмоқда. Коллеж учун ажратилган 0,5 гектар жойдаги боғда турли хил мева кўчатлари, токзорлар кўкариб келяпти.

Коллеж қурилиши пудратчилигини тумандаги «Бинокор-8» масъулияти чекланган қурилиш ташкилоти жамоаси ўз зиммасига олган.

Энг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган ушбу таълим даргоҳи ҳадемай Гулбаҳор қўрғонининг чиройига чирой қўшади, бу ҳудудда замонавий инфратузилманинг ривожига ибратли таъсир кўрсатади. Янада аниқроқ айтсак, коллеж Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами кунларида ёшларга ўз эшигини очади.

М.САФАРОВ.

СУРАТЛАРДА: коллежнинг лойиҳа кўриниши; Янгийўл тумани ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Азимжон Жўраев ва қурилиш участка раҳбари Алишер Пейсеновлар янги иш кўламларини аниқламоқдалар; қурилиш майдонида.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Сайловлар қандай ўтади?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори ташкилий ҳамда ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш каби шу куннинг долзарб масалалари Андижон вилоят ҳокимлигидаги семинар-йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси М.Шамсибоеванинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Олий Мажлис Кенгаши қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги маърузаси тингланди.

Йиғилишда иштирок этган вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари, шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларининг раислари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари маърузани атрофлича муҳокама қилдилар. Балиқчи тумани ҳокимининг ўринбосари Замирахон Зухриддинова, Шахрихон туман ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш гуруҳининг раҳбари Мухтаржон Отабоев, Қўрғонтепа туманидаги Қўрғонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Анваржон Юсупов, Андижон туманидаги Куйганёр шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Мансурбек Солиевлар сўзга чиқиб сайловларни қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказишга эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида ўз фикрлари, таклиф ва ташаббусларини ўртага ташладилар.

Семинар сўнггида унинг иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзуда семинар

Осиё-Тинч океани қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш Ассоциацияси (АПРАКА) 1977 йил 24 октябрда ташкил топган. Айни пайтда Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Малайзия каби 22 мамлакатнинг 58 та йирик банк ва молия муассасалари Ассоциация аъзолари ҳисобланади.

«Пахта банк» 1997 йилдан АПРАКА аъзосидир. Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкат ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини микрокредитлашнинг кенг кўламда олиб борилаётганини АПРАКА каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самараси сифатида кўриш мумкин. Дарҳақиқат, «Пахта банк»ни республикамиз қишлоқ хўжалигини молияловчи йирик муассаса сифатида мазкур йўналишдаги хизматлар кўламини кенгайтириш билан бир қаторда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йили банкнинг ўз маблағлари, шу жумладан, фойданинг 25 фоизи ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан тадбиркорларга 7,5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Натижада жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш жойлари барпо этилиб, соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин ортди. 2001 йил 1 апрелга қадар банк томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 9,7 миллиард сўмдан ошиб, барпо этилган иш ўринлари 21,5 мингдан ошди.

Илк маротаба «Пахта банк» ташаббуси билан АПРАКАнинг микрохизмат дастури бўйича қишлоқ хўжалиги ва микромолияга бағишланган халқаро семинар кеча Тошкент шаҳрида иш бошлади. У уч кун давом этади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, микромолиялаш амалиёти қишлоқ мижозларига ёрдам беришда, қучли қишлоқ хўжалиги молиявий тизимини ривожлантиришда асосий восита вазифасини бажармоқда. Семинар иштирокчилари қишлоқ хўжалиги молиявий тизимини ривожлантириш, молиявий самарадорлик ҳамда хизматларнинг янги кўринишдаги турларини кўриб чиқадилар.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Тошкентда АПРАКА томонидан ўтказилаётган нуфузли тадбир республикамизда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга, тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

«ХАЛҚ – ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...»

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 1 майида эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган ушбу Фармонда, жумладан шундай дейилади: «Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш комиссияси мазкур Фармонда кўзда тутилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, зиёратгоҳни сайёҳлик йўналишига киритиш, мажмуа ҳудудини янада ободонлаштириш, бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юборди.

Яқинда Президент ҳузурида ушбу комиссия амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди, йиғилишда халқимизнинг азалий анъаналарига мос бўлган бу тадбирнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти, маъно-мазмуни ва маърифий-мафкуравий йўналиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

— Аввало, шуни айтиш лозимки, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — биз «қатағон қурбонлари» деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30- йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат намояндаларига нисбатан қўлланилади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган. Уларнинг қанчадан-қанча орзу-ниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожеали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен «қатағон қурбонлари» деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

Ёш аскарлар қасамёди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош бошқармаси Тошкент гарнизони ҳарбий бўлинмалари ёш аскарларининг ҳарбий қасамёдига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ёш аскарлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканлар, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга ҳамда мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Ҳарбий қасамёд — жангчи учун маънавий ва жанговар қонундир.

Ҳарбий қасамёд жангчининг она-Ватанга бўлган муқаддас меҳру муҳаббати ифодасидир. У жангчидан интизомли бўлишни талаб этади. Зеро, интизом Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятининг негизи, қўшинларнинг жанговар шароитда муваффақиятли ҳаракатларининг асосий шарти ҳисобланади.

Маросимда сўзга чиққан Қуролли Кучлар вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ёш аскарларни қаётидаги энг унутилмас кун — ҳарбий қасамёд қабул қилгани билан чин қалбдан табриклашдилар, уларга жанговар шайлик ва ҳушёрликни ошириш билан бирга, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлайдилар, Ватанимиз ҳимояси учун ҳар қачонгидан сергак турадилар, деб ишонч билдирдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Ғаллакорлар анжумани

Етиштирилган ғалла ҳосилини нобуд қилмай, ўриб-йиғиб оламиз. Кеча Жиззах вилояти ғаллакорларининг анжуманида шундай қарорга келинди. Шу боис вилоятда мавжуд ўрим комбайнлари, жумладан, 200 дан зиёд «Кейс», «Класс» комбайнлари мавсумга тайёрлаб қўйилди.

Қадимий мис тангалари

Андижон шаҳридаги Бобосаддин маҳалласидан қадимий мис тангалар хазинаси топилганлиги катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Вилоят ўлкашунослик музейи мутахассисларининг таъкидлашича, уч минг донадан иборат бу тангалар 1428-1429 йилларга оид бўлиб, Темурийлар авлодидан бўлмиш Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади. Бу тангалар Темурийлар даврининг улус марказлари — Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Шохруҳия, Ҳисор, Хутталон каби шаҳарларда зарб этилганлиги аниқланди.

Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли ота-боболари анъаналарини давом эттириб келаётган бахшилар авлодидан. Уни «Алпомиш»у «Гўрўғли»лар, «Кунтуғмиш»у, «Юнуспари»лар улғайтирди. У дўмбирасини қўлга олди дегунча, қуйма сатрлар қўшиқ бўлиб оқиб келаверади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Меҳнат бозори

Ҳазорасп туманида 100 нафарга яқин киши яхши ҳақ тўланадиган доимий иш билан таъминланди. Яна 65 нафар киши эса мавсумий ишларда иштирок этадиган бўлди. Буларнинг барчаси туманда ўтказилган кенг кўламли меҳнат ярмаркалари самарасидир.

Ушбу ярмаркаларда туманнинг 30 корхонаси ва хўжалиги 300 тадан ортиқ иш ўрнини таклиф этди.

Олимлар маслаҳати

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетида "Мустақиллик даври ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари" мавзуида республика илмий-услубий анжумани бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда сўзга чиққанлар сўнгги йилларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаб, бу борада тилшунослар ва адабиётшунослар олдида турган муҳим масалаларга эътиборни қаратишди.

Ёз эшик қоқмоқда

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

Аслида, болалар оромгоҳлари бўйича бошқа нарсани ёзмоқчи эдик. Бу мавзуда суҳбат қилиш билан ҳам чеклани

• Вояга етмаган ёшлар, айниқса мактаб болалари ўртасидаги жиноятнинг 45 фоизи уларнинг бўш қолган вақтларига тўғри келаяпти.

ниб қўяқолиш мумкин эди. Ушбу мақолага «масаллиқ» тўплаш ниятида уч-тўрт идорага мурожаат қилганимдан кейингина болаларнинг ёзги оромгоҳлари ҳақида шу пайтгача ҳеч нарса билмаслигимни, ҳатто ундан бехабар эканлигимни англадим...

Эътиборимни тортган биринчи нарса вояга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг айни пайтдаги ҳолати бўлди. Тан олиш керак, бу борада жиддий ишлар қилинаяпти. Ҳатто унинг самараси ҳам кўзга ташланаяпти. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, вояга етмаган ёшлар ўртасида 1992 йилда 5882 та жиноят содир этилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич икки бараварга камайган. Бу албатта, яхши. Лекин яна бир қизиқ ҳолатга дуч келдик: вояга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятнинг 35 фоизи, мактаб ёшидаги болалар жиноятининг 45 фоизи уларнинг бўш қолган вақтларига, очиқроқ қилиб айтганда,

• Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудида барча турдаги оромгоҳларни сақлаб, ундан фойдаланаётган ягона мамлакат ҳисобланади.

ёзги дам олиш мавсумига тўғри келаркан. Жиддий муаммолардан бирига рўбарў келиб қолганимни ана шундан кейингина англадим.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Клинтон миллионлар ичида қолди

Кеча АҚШ собиқ президенти Билл Клинтоннинг Буюк Британия бўйлаб икки ҳафталик сафари бошланди. У ташриф мобайнида турли жойларда ўз маърузалари билан қатнашиб, 800 минг доллар фойда олишни кўзлаган. Ҳозирда Б.Клинтоннинг бир соатлик маърузаси 100 минг долларга баҳоланмоқда. Собиқ раҳбар ўтган ҳафтада Ослодан 150 минг, Стокгольмдан 120 минг, Вена ва Варшавадан эса 100 минг доллар олиб қайтди. Бундан ташқари, Билл Клинтон машҳур CNN телекомпанияси томонидан тайёрланаётган кўрсатувда иштирок этишга ҳам розилик берган. Бунинг учун CNN унга 15 миллион долларни нақд бериши керак.

Ленскдаги аҳволга доир

Кеча Россия президенти Владимир Путин Кремль расмийлари билан бўлган йиғилишда сув остида қолган Ленск шаҳридаги 1000 дан ортиқ уйга жиддий зарар етганлигини маълум қилди. Ҳозирда жабрланганларга ёрдам кўрсатилган бўлса-да, Сибирдаги умумий аҳволни яхши деб бўлмайди, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Мамлакат фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгунинг хабар қилишича, Обь ва Енисей дарёсидаги сув сатҳи ҳам худди Лена дарёси каби соат сайин кўтарилиб бормоқда. Президент В.Путин ўз мулозимларига табиий офатнинг олдини олиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Монголияда президент ўзгармади

Кеча Монголия миллий сайлов комиссияси якшанба куни мамлакат президентлиги учун ўтказилган сайлов натижаларини расман тасдиқлади. Хабарларга қарагандa, ўтказилган сайловда амалдаги раҳбар Ницагийн Багабанди ғолиб чиққан. У сайловчиларнинг 57,95 фоизлик овозини олишга муваффақ бўлган.

Сўнгги сонияларда

• Чилининг Икике шаҳридаги қамоқхонасида 28 нафар маҳбус полиция билан тўқнашув натижасида ҳалок бўлди.

• Якшанба куни Чад Республикасида ўтказилган президент сайловида ким ғолиб чиққанлиги кеча ҳам маълумлигича қолди.

• Кеча президент В.Путин В.Черномирдинни Россиянинг Украинадаги элчиси этиб тайинлаш хусусидаги фармонга имзо чекди.

• Кеча тунда Тайван президенти Чен Шуйбянь рафиқаси ва ҳукуматнинг қатор намояндалари билан бирга АҚШга етиб келди.

«ХАЛҚ – ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибдод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйланган ҳолда бутун халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Масалан, чор қўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қириб ташлаган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ёки бўлмаса, 1916 йили Жиззах қўзғалони шафқатсиз равишда бостирилгач, беаёв қатағон этилган аждодларимизни бир эсланг. Бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибир сургунларида ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилган.

Худди шунингдек, истибдод даврида содир бўлган юзлаб норозилик ғалаёнларининг қонга ботирилганини эслаш мумкин.

Шўро тузуми даврида ҳам шафқатсиз қирғин-қатағонлар муттасил давом этган, колхозлаштириш баҳонасида неча минг меҳнаткаш, омилкор деҳқонлар қулоқ сифатида сургун қилинган, тазйиқ ва таъқибларга гирифтор этилган. Албатта, бугун биз ўша даврдаги машъум қатағон оқибатида қурбон бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг номларини кўпроқ биламиз. Уларнинг хотирасини тиклаш, иззат-ҳурматини жойжойига қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Қатағон қурбони бўлган ўнлаб зиёлиларнинг илмий ва адабий асарлари чоп этилиб, мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда, уларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ташкил топиши билан боғлиқ тарихий адолат тикланиши ҳам шу йўлдаги катта ишлардан биридир.

Бу фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ эзгу ишларимиз бундан буён ҳам изчил давом этади, деди Президент, лекин мени кўпроқ бошқа бир масала ўйлантиради: мустабид сиёсат мингминглаб оддий одамларни, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эди-ку! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши қулфатдан чиқмай ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз шундай деган эди: **«Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз».**

Куни кеча эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

— Бу маросимда, — дея таъкидлади Президентимиз, — моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, қулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожеали қисматини ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганда оёғида чориқ, эгнида яктак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатағон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат «Шаҳидлар хотираси» мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатағон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафқуравий ишларда бошидан жуда кўп фожеалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, умуман, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, деди Президент.

Маълумки, мазкур Фармонга асосан «Шаҳидлар хотираси» мажмуини янада ободонлаштириш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ эканини унутмаслик зарур. Бу ерда ҳамиша маъюс бир сукунат ҳукмрон бўлиши, зиёратга келган одам ўтганларни эсга олиб, умрнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрини англаб етиши, зиёратгоҳ шунга мос маърифий-тарбиявий масканга айланиши, айниқса муҳимдир.

Ҳозирги пайтда биз тарихимиз, аждодлар хотираси билан боғлиқ кўплаб меъморий иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этяпмиз, дея давом этди Президент, аммо уларнинг ижтимоий вазифасини, бу жойларда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали-бери ўзимизга тўла тасаввур қилиб, уларнинг маънавий-маърифий йўналишини аниқ ишлаб чиққанимизча йўқ. Ҳолбуки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири — мана шундан иборат. Бу ишда, айниқса ижтимоий соҳа олим ва мутахассислари, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларимиз ибрат ва фаоллик кўрсатишлари даркор...

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода Юртбошимиз олимлар, адабиёт ва санъат аҳли олдига қўйётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта масъулият билан кенг ва атрофлича қарашни тақозо этади.

Истибдод даврида қатағон қурбони бўлган улуғ сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни бугун биз, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётган миннатдор авлод ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки халқ деганда унинг улуғ сиймолари билан бирга миллионлаб оддий вакиллари — ҳунарманду деҳқонлари, сувчию чўпонлари — барча-барчаси яхлит ҳолда намоён бўлади.

Ўз озодлиги йўлида беҳисоб қурбонлар берган, машаққатли курашларда сабот ва матонат кўрсатган халқимиз хотираси олдида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо бош эгамиз.

(ЎзА).

«Шонли Ватан тарихи» музейи

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳузурида "Шонли Ватан тарихи" музейи очилди. Халқаро музейлар кунида очилган ушбу маърифат масканидан ўрин олган экспонатлар халқимизнинг қарийб уч ярим минг йиллик бой тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Уч юз квадрат метр ҳажмдаги кўргазма залига эга бу музей олти бўлимдан иборат бўлиб, ундан ўрин олган қарийб 600 га яқин экспонат Ватанимизнинг шонли тарихидан сўзлайди. Кўргазмаларда жаҳон илм-фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломаларимиз — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбандий ҳамда Ватанимиз сарҳадларини босқинчилардан ҳимоя қилган миллий қаҳрамонларимиз — Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Манғуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларга кенг ўрин берилган.

Музейнинг алоҳида экспозицияси мамлакатимизнинг Президентимиз Ислом Каримов раҳномалигида юритаётган тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати, табора юксалиб бораётган иқтисодиёти, давлатимизнинг мудофаа қудрати ҳамда маънавий соҳалардаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

(ЎзА).

Кичик ва ўрта бизнес — устувор йўналишлар

Зилзилага бардошли ғишт

Қамаши туманининг Манғит қишлоғидаги заводда ишлаб чиқарилмоқда

Чекка бир қишлоқда Ўрта Осиёда ягона замонавий ғишт заводи қандай пайдо бўлди? Маълум бўлишича, 1991 йили «Қашқадарёулгуржибиржасавдо» (собиқ «Қашқадарёшартномасавдо») раҳбарияти Туркиянинг «Тарсан» фирмаси билан ҳамкорликда йилига 64 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод қуриш юзасидан шартнома тузади. Турк-немис технологияси асосида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур фирма билан ҳисобкитоб бартер усулида ўтказилишига келишилади. Ва ушбу келишувга мувофиқ, 1991-1992 йилларда 1455 тонна пахта толаси етказиб берилган. Ўз навбатида фирма завод биносини, туннел ва қуритиш печларини қурган. Шу билан 1998 йилгача қурилиш ишлари тўхтаган. Ниҳоят, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон республикалари қўшма корхонаси («Халқ» Марказий Осиё ассоциацияси) томонидан чала қурилган ғишт заводи сотиб олинди. Европа тараққиёт ва тикланиш банкидан 2 миллион 980 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Жиҳозлар сотиб олиш учун эса Туркиянинг «Керамик Макина ЛТД» фирмаси билан шартнома тузилди.

Айтиш лозимки, 6 ой мобайнида асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилиб, тўлиқ ўрнатилди, монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Жиҳозлар асосан Туркия ва Германияда ишлаб чиқарилган, завод тўлатўкис автоматлашган, компьютерлар орқали бошқарилади.

> Заводда бир йилда 64 миллион дона, кунига 185-200 минг дона замонавий ғишт ишлаб чиқарилади. Жиҳозлар 24 турдаги ғишт тайёрлашга мосланган. Қандай шаклни танлаш буюртмачининг ихтиёрида.

Савол туғилади: хўш, бу ғиштларнинг одатдаги ғиштлардан қандай фарқи бор? Аввало, фарқ ташқи кўринишида. У — пардозли ғишт. Ғадир-будур, қийшиқ-мийшиқ, катта-кичик эмас. Бир хил, сип-силлиқ, ялтироқ, юза қисмида тешикчалари бор. Ана шу тешикчалари бетон қоришмага тўлиб, устунчалар ҳосил бўлиши оқибатида ғишт жойидан силжимайди, дарз кетмайди. Ана шу хусусиятини ҳисобга олиб, уни зилзилага бардошли, деб эътироф этишмоқда. Боз устига, енгил. Ҳозирги замонда бу ҳам катта аҳамиятга эга. Минг даража ҳароратда пишгани учун, сополдай мустаҳкам, ранги ҳам оппоқ. Тўғри, газ босими бир меъёрда бўлмаганлиги учун, ҳозирча ғиштларнинг ранги сал хирароқ, гоҳо сарғимтир-қизғиш тусда ҳам бўлмоқда. Бу вақтинчалик. Газ муаммоси ҳал бўлади, дейиш мумкин. Чунки вилоят ҳокимлигидагилар бу ишга қаттиқ киришганлар.

Дарвоқе, мазкур ғишт заводи Қамаши тумани, қоласерса Қашқадарё вилояти учун қандай аҳамиятга эга? Бу саволга жавоб беришдан аввал эътиборингизга бир далилни ҳавола қилсак. Қамаши туманидаги кўплаб объектлар ўтган йили юз берган зилзиладан анча зарар кўрди. Зилзила оқибатларини бартараф этиш учун ҳукуматимиз 32 миллиард сўм ажратди. Шунинг ўзиданоқ Қамаши туманидаги қурилиш ишлари кўламини бир қадар тасаввур қилиш мумкин. Демак, ғишт зарур, яна зилзилага бардошли ғишт сув билан ҳаводек даркор. Кунига 185-200 минг дона ғишт заводдан чиқиб турса, унинг маълум қисми шу ердаги қурилиш ишлари учун ишлатилади-да. Қолгани, яъни 20 фоизи бошқа вилоятларга сотилади. 30 фоизи Ўрта Осиё давлатларига экспорт қилинади. Бир донаси вилоятнинг ўзида 16 сўм 32 тийин. Экспортга чиқарилаётгани эса — 9 цент. Айни пайтда ташқи ва ички бозорда сотиш учун шартномалар мавжуд. Бу бир жиҳати. Қолаверса, шу атрофдаги қишлоқлар, хусусан, Манғит қишлоғининг 300 нафар йигит-қизи иш билан таъминланди. Уларнинг ойлик маоши ўртача 30 минг сўм. Бир маҳал иссиқ овқат бепул. Транспорт хизмати ҳам текин.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Ҳадемай, улар барча шароит, қулайликларга эга бўладилар. Замонавий ошхона қад ростламоқда. Тиббий пункт, спорт зали, ювиниш жойи — ҳамма-ҳаммаси бўлади. Иссиқхонада кўкатлар, дала неъматлари эса заводнинг ёрдамчи хўжалигида етиштирилмоқда. Завод атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилаётир.

«Халқ» Марказий Осиё ассоциацияси эса шу йил март ойи охирида «Керамик» очиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилди. Абзал Азизов ана шу жамиятнинг бош директори, Маҳмаёқуб Холиёров ғишт заводининг директори бўлишди.

Хоҳиш-истак, ҳаракат бўлса, натижа бўларкан-ку! Нега Қашқадарёдаги бошқа ғишт заводлари раҳбарлари чет эл сармоясини жалб қилиш, энг замонавий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида қайғуришмайди? Қачонгача ғиштлар алмисоқдан қолган усулда тайёрланади? Яна нархининг қимматлигини айтмайсизми?! Тўғри, шўро салтанати даврида пахсадан қурилган уйларда яшашга маҳкум эдик. Ғиштдан иморат қурдирган киши балога қоларди. Энди-чи? Замон бутунлай бошқача. Демак, иморатларимиз ҳам замонга мос бўлиши керак. Юртимизда, хусусан, Қашқадарёда ҳар йили неча ўнлаб муҳташам иморатлар қурилиши лозимлигини ҳисобга олсак, бу ишни замонавий технология асосида йўлга қўйиш қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги ўзўзидан аён бўлади. Қарши шаҳрида, Косон, Шаҳрисабзда шундай ғишт заводлари бўлса, қандай яхши бўларди. Шаҳрисабздаги «Чоштепа» ғишт заводининг лойиҳа қуввати 10 миллион дона бўлса-да, бир йилда 2,9 миллион донадан нарига ўтилмаяпти, деган гапни қачонгача айтиш мумкин?

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, Қамаши туманида қурилган ғишт заводи айрим кишиларнинг «ғишт ғишт-да, унга чет эл сармояси нимага керак?» деган эскича қарашларини йўққа чиқарди. Мустақиллик иншоотларининг ғишти ҳам замонавий, рақобатбардош, зилзилага чидамли бўлиши шартлигини кўрсатди. Зеро, Мустақиллик иншоотлари Амир Темур Оқсаройи каби асрлар оша яшаши даркор. Оқсаройдаги ғиштларни кўринг, пишиқ, мустаҳкам. Қамашидаги заводдан чиқаётган ғиштлар ҳам худди шундай.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тола — жаҳон бозорига

«Пешкупахтатозалаш» акциядорлик жамияти жамоаси Бухоро вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонада бугунга қадар ўтган йилги пахта ҳосилининг асосий қисми қайта ишланиб, Италия, Жанубий Корея, Франция, Россия, Швейцария каби мамлакатларга экспорт қилинди.

Жамиятда қарийб 600 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. «Меҳнатга яраша даромад» деганларидек, улар ҳар ойда 24 минг сўмдан иш ҳақи олиш билан бирга, акциялар ҳисобига кўп миқдорда дивиденд ҳам олдилар.

СУРАТЛАРДА: тойлаш цехида; ишчи Мастура Раҳматова.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўткир тиғ остида

Тушов

ёки тадбиркорнинг сарсон-саргардон бўлиб, ўз фаолиятини юрита олмаётгани хусусида

Туёғига тушов урилган тулпорнинг ҳаракатларини кузатганмисиз? Югуришга интилса — оёқлари бўйсунмайди, сакраса — мувозанатни йўқотади. Яқинда Фарғона вилоят аллия бошқармаси мутахассислари бир қатор талбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан танишгач, ажойиб-ғаройиб воқеалар ва манзараларга дуч келишди. Уларнинг айримлари, юқорида айтганимиздек, «тушовланган от» ҳолатига ҳам тушиб қолганди.

Фарғона шаҳрилик якка тартибда иш юритувчи тадбиркор А.Максимов «Миллий банк»нинг шаҳар бўлимига 450 минг сўм кредит олиш учун ариза беради. Банкда уни хушмуомалалик билан кутиб олишади. Тадбиркор самимий муносабатнинг ортида хурмача қилиқлар борлигини кейинроқ англаб етди. Дастлаб, таомилга биноан, қарз олувчи тақдим қилиши лозим бўлган ҳужжатлар тайёрланганда, «имтиҳон»нинг иккинчи босқичи бошланди. Энди банкдан тадбиркорнинг оиласидаги балоғатга етган аъзолардан розилик хати, паспортларининг нусхаси, оила аъзолари ҳақида маълумот талаб қилинди. А.Максимов 5 нафар оила аъзоси ҳақидаги сўровларни тайёрлаб, яна банкка юзланганда, унга илгариги ҳужжатлар ёнига яна гаровга қўйилган уйнинг уч дона фотосурати, техник паспортини илова қилиш билан бирга, ўзи яшаётган жойдан маълумотнома ҳам ёдан кўтарилмаслигини эслатиб қўйишди. Тадбиркор микрокредит оламан, деб қанчадан-қанча идораларда сарсон-саргардон бўлди. Кимларгадир сарғайди. Кейин билса, тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўққизтаси кредит олиш учун мутлақо зарур эмас экан.

Афсуски, «Миллий банк»нинг залворли «чиғириғи»дан ўтказилган Максимов сингари мижозлар талайгина эди. Б.Ҳайдаров, Д.Турдиалиев, К.Ҳусанов, М.Мамадалиев, К.Холматов сингари тадбиркорлар бошига ҳам «ҳужжат-ҳужжат» савдоси тушиб, шундан кейингина зарур миқдордаги кредитни олишганлиги сири очилиб қолди.

«Миллий банк»даги бу касаллик вилоятдаги бошқа банкларга ҳам юққанга ўхшайди. «Заминбанк»нинг Фарғона филиали билан тадбиркор Ш.Ҳакимова ўртасида 500 минг сўмлик кредит линияси очиш ҳақида шартнома имзоланади. Тадбиркорнинг қувончи чексиз. Кредитни олибоқ, амалга оширадиган ишларини хаёлида пешлайди. Лекин унинг ширин орзуларини банк ходимлари талаб қилган бир қучоқ ҳужжатлар рўйхати бузиб юборди.

Ҳарқалай, бутун ишини ташлаб, бир ҳафта овора бўлиб, ўзининг туғилганидан ҳозиргача бўлган ҳаёт йўли битилган таржимаи ҳолни, туман ҳокими, туман иш билан таъминлаш ва бандлик бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинларидан тавсияномаларни, яшаш жойидан тайёрланган маълумотномаларни битта папкага жойлаб, банкка ҳавола қилди.

Кейинчалик аллия ходимлари бу ҳужжатларнинг 7 таси ортиқча эканлигини аниқлашди. Тадбиркор Ҳакимова тайёрлаган папкани кўздан кечириб эса, бевосита ўйланиб қоласан киши: у кредит олмоқчими ёки бирорта юқорироқ лавозимга тавсия қилинмоқчими?!

Шу банк ходимлари яна «Темур» фермер хўжалигига кредит ажратаётиб, анча-мунча жойда учрамайдиган «қашфиёт» ҳам қилишган. Барча зарур ҳужжатлар тайёрлангач, мижоздан «пул оқими тўғрисида» ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан гувоҳнома келтиришни талаб қилишган. Мана буни ҳеч муболағасиз «тилла занжирли тушов» деб айтиш мумкин.

Бу-ку саҳна асари. Лекин «Савдогарбанк»нинг Яйпан бўлимида тадбиркор Ю.Бегматовдан амалдаги ҳужжатлар билан бирга бошқа жойлардан, кишилардан қарзи бор-йўқлиги ҳақида маълумот сўрашганда, унинг қай аҳволга тушганлиги бизга қоронғу. Шу маълумотномага қўшимча равишда маҳалла қўмитасидан тавсиянома, суғурта, солиқ инспекцияси, кадастр бюроси, иш ҳақи тўғрисида маълумотномалар талаб қилишгани эса бор гап. Энди ишбилармон Бегматовга 500 минг сўм кредит қанчага тушганлигини ўзингиз баҳолайверинг! Мижозлар А.Нишонов, Х. Холматов, С.Мадумаровлар ҳам 5 тадан 7 тагача нокерак маълумотларни тўплашгандан сўнггина шу банкдан микрокредит олишга эришишган.

«Асакабанк»нинг Олтиариқ бўлимида эса фермерлар билан ишлашда антиқа «йўл» танланган. Хусусан, тумандаги «Исмоил» фермер хўжалигига кредит ажратишда ҳужжатларнинг «пухта» бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир ким кўп, ажратилаётган кредитларни текширадиган кўп. Шунинг учун бўлса керак, солиқ инспекциясининг таҳлили, истиқболни белгилаш, солиқ тушумларини ҳисобга олиш, фермерлар уюшмасининг ер ажратиш ҳақидаги маълумотномалари ҳам ҳужжатларга тиркаб юборилди. «Комил» фермер хўжалигидан эса Давлат божхона қўмитасининг лицензияси, ҳатто божхона брокерларининг касб масъулиятини суғурталашга доир суғурта гувоҳномаси ҳам талаб қилинди. «Замира», «Асқарали», «Маҳмуджон» фермер хўжаликлари ҳам шундай «синов»лардан сўнг орзиқиб кутилган кредитни олдилар.

«Мазкур банкда фақат фермерларга шундай муносабатда бўлинар экан», десангиз янглишасиз. Тадбиркор О.Мадаминов микрокредит олиш учун 4 та ортиқча ҳужжат тайёрлаган. Энг қизиғи, банк ходимлари ундан уй-жой ордери ва техник паспортларининг 2 донадан асл нусхасини талаб қилишган. Лекин, негадир, банкнинг жавобгарлиги тўғрисидаги маълумот, ҳуқуқшуносининг хулосаси, банк томонидан имзо қўйган шахснинг исми-шарифи «унутиб» қолдирилган.

Ҳозир Фарғона вилоятида давлат рўйхатидан ўтса-да, фаолият кўрсатмаётган 2000 дан зиёд корхона, ташкилот, кичик ва ўрта бизнес субъектлари мавжуд. Улардан 1100 таси эса бутунлай ишламайди. Бунга, яъни кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бундай ҳолга тушишларига юқоридаги каби тўрачилик тушов бўлмаяптимикан?!

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

> Таниқли комик актёр Аркадий Райкин ижро этган бир саҳна асарини катта ёшдагилар яхши эслашса керак. Бир бюрократ раҳбар янги ишга олинаётган ходимдан 100 дан зиёд маълумотномалар талаб қилади. Ҳатто олис Арктика, Африка саванналари, Ҳимолай тоғлари, пировардида Ойда бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотномаларни сўрайди. Ходим ҳаммасини ҳозиру нозир қилганидан сўнг раҳбар ҳушидан кетиб қолади...

Оромгоҳлар мавсумга шайми?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика Касаба уюшмалари федерацияси маълумотларига қараганда, мамлакатимизда оромгоҳларга бориш имкониятига эга — 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг умумий сони 5 миллиондан ошар экан. Шундан ўтган йили Касаба уюшмалари федерацияси орқали барча турдаги болалар оромгоҳларида ҳаммаси бўлиб 332 минг 866 нафар бола дам олган. Бу йил давомида болаларнинг 6 ярим фоизи оромгоҳларга жалб этилган, демакдир. Жорий йилда эса Касаба уюшмалари федерацияси орқали 270 минг боланинг оромгоҳларда дам олишлари режалаштирилган. Бу мактаб ёшидаги болаларнинг 5,3 фоизини ташкил этади. Демак, 2001 йилда ўтган йилдагига нисбатан 62 минг 866 та кам боланинг оромгоҳларда бўлиши режалаштирилган. Ана шундай рақамларга эга бўлганимиздан кейин, табиийки, унинг сабаблари билан қизиқдик. Биринчи сабаби, фойдаланиш имкониятига эга бўлган оромгоҳларнинг камайиб бораётгани экан. Масалан, ўтган йили барча турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг 1038 таси фарзандларимизни ўз «бағри»га олган бўлса, жорий йилда уларнинг умумий сони 714 тага тушиб қолган. Мутахассислар бунинг сабабларини оромгоҳларда яратилган шароит ва уларнинг жойлашган ўрни билан изоҳлашмоқда. Чунки жойларда мутахассислардан иборат махсус комиссия тузилган. Улар оромгоҳларга бориб, мавжуд шароит билан танишадилар, тегишли талабларга жавоб бериш-бермаслигини ўрганадилар. Акс ҳолда... Энг қизиғи, бундай аҳвол учун Касаба уюшмалари федерацияси айблор эмас. Чунки мавжуд оромгоҳлар бошқа ташкилот ва идораларнинг ихтиёрида-да. Касаба уюшмалари федерацияси фақат оромгоҳ ишлари билан болалар ўртасида воситачилик қилади, болаларнинг ота-оналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

> ● *2001 йилда оромгоҳларда мактаб ёшидаги болаларнинг 5,3 фоизи дам олиши режалаштирилган. Бу камми ёки кўп?*

Масаланинг яна бир жиҳати шундан иборатки, яқин орада биронта ташкилот ёки идора томонидан янги болалар оромгоҳлари қурилмаган. Мен шу соҳанинг мутасаддисидан: «Шундай экан, хусусийлашган болалар оромгоҳлари ҳам борми?», деб сўрадим. У киши елка қисиб: «Ўзим биттасини биламан, яқинда телевидениедан яна битта «ООО» тузилганини айтишди. Билганларим шу», деди. Қизиқ, умумий ҳолат шундай экан, нега бу соҳада ҳам бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусийлаштириш йўлидан борилмаяпти? Ёки имконияти бор тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар нега янги оромгоҳлар қуриш пайидан бўлишмаяпти? «Эҳтимол, талаб ёки таклиф йўқмикан?» деган хаёлга ҳам бордим. Лекин мутахассислар менинг бу фикримни қўллаб-қувватлашмади: «Ўйлаб кўринг, 5 миллиондан ортиқ бола бўлса, шунинг тенг ярмини ҳам жалб қила олсак, 2 ярим миллиондан ошади», дейишди. Ана шундан кейин уларнинг фикрига қўшилмасдан бошқа иложим қолмади. «Ёки оромгоҳларга бериладиган «йўлланма» қимматмикан? Йўқ, мен бу гал ҳам адашган эканман. Бир боланинг Тошкентдан 80 ёки 100 километрлик узоқликдаги оромгоҳда дам олиб келиши кўпи билан 5000 сўмга тўғри келар экан. Қизиғи, агар автобус ҳақи бир оз арзонлаштирилса, 3000 сўмдан ҳам ошмаслиги мумкин.

Мутахассислар автобусларимизнинг қимматлигидан нолишмоқда. Тошкентдан «Оқтош» оромгоҳига бориб келадиган бир автобуснинг нархи 52 минг сўмга тўғри келаяпти. «Тегишли ташкилотлар лоақал болаларимиз учун бироз арзонлаштиришса бўлмасмикин», дейишди улар қимтиниб. Қаранг-да, бир боланинг 20 кунга яқин дам олиб, яшаши учун атиги 1500 сўм олинаяпти, автобуснинг ўзига эса 2000 сўмга яқин сарфланаяпти. Ўйлаб кўришга арзийдиган рақам бу.

> ● *Битта боланинг оромгоҳда бўлиши атиги 1500 сўмга, автобусда бориб келиши эса 2000 сўмга тўғри келаяпти.*

Яна бир ҳолатни эътироф этиш ўринлидир. Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудида барча турдаги оромгоҳларни сақлаб, ундан имкони борича фойдаланиб келаётган ягона мамлакат ҳисобланар экан. Яна бир таҳсинга сазовор жиҳат шундан иборатки, ҳукумат ғамхўрлиги туфайли ҳар йили Оролбўйи болаларидан 4 минг нафари Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги оромгоҳларда бепул дам олиш ҳамда даволаниш имкониятига эга бўлмоқдалар.

> ● *Ҳар йили ёз мавсумида Оролбўйи болаларидан 4000 нафари Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилмоқда.*

Жорий йилда болаларни соғломлаштириш учун 1 миллиард 688 миллион 547 минг сўм сарфланиши кўзда тутилаяпти. Бу ўтган йилдагига нисбатан 320 миллион 646 минг сўм кўп деганидир.

Касаба уюшмалари федерацияси мутахассислари: «Биз мавжуд болалар оромгоҳларини ташкилотлар бундан кейин ҳам сотиб юбормаслиги ёки улардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликларини хоҳлардик. Агар болалар оромгоҳларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўл мева, сабзавотлар билан таъминлашда рўйхат ва меъёрларга амал қилинса, маҳсулотларнинг айрим турларига 10 фоиздан ошмайдиган даражада устама ҳақи қўйилса, автоулов, почта, телекоммуникация, коммунал ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш идоралари болалар оромгоҳларига хизмат кўрсатиш тўловларини 50 фоиздан оширмасалар, яна да яхшироқ бўларди», дейишди. Уларнинг қайғуришларида жон бор. Чунки ҳамма корхона ёки ташкилотларнинг ҳам ўз тасарруфидаги оромгоҳларни сақлаш, қайта таъмирлаш ёки унга талаб даражасида шароит яратиш имкониятига эга, деб бўлмайди. Бундай пайтда кўп ҳолатларда нима қилинади? «Яхшиси сотиб юборайлик ёки фойдалироқ бўлган бошқа йўлларини излайлик» дейилади. Бир қарашда улар ҳам ҳақдай. Чунки бозор иқтисодиётининг талаби шундай. Лекин энг муҳим нарса — болаларимизни унутишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Ушбу масалани ўрганиш жараёнида яна бир ҳолатга дуч келдик. Маълумотларга қараганда, ёзги мавсумда болаларнинг сувда чўкиши, оқиши ёки ошқозон-ичак касалликлари ҳам нисбатан кўпаяр экан. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ болаларининг тезоқар дарё ва кўлларда, шаҳар болаларининг очиқ ҳаводаги суви туриб қолган сунъий кўлмак ёки ҳовузларда чўмилишларидир. Бир қарашда, айниқса, шаҳарларда бу борада ҳеч қандай муаммо йўқдек туюлади. Бизнингча, агар мавжуд «бассейн»ларни болалар учун лоақал ёзги мавсумда бепул қила олсак ва болаларни улардан фойдаланишлари учун имконият яратсак, муаммонинг ечилишига бироз бўлса-да, кўмаклашган бўлардик.

Ёз мавсуми эшик қоқаяпти. Ҳар биримиз ота-она ўрнида ўзимизга ўзимиз: «Болаларимизни бўш қолдирмаслик учун нима қилишимиз керак?» деган саволни бериб кўрайлик. Шунда болаларимизнинг соғлом ўсишига, ҳар хил ёмон йўлларга кириб қолмасликларига ёрдам берган бўламиз. Чунки ёз ҳам жиддий, ҳам нозик мавсум. Уни қандай ўтказиш эса бошқа бировга эмас, аввало ўзимизга боғлиқ.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарзандлари баркамол юрт—қудратли бўлади

«Умид»чининг кашфиёти

Бугун ривожланган мамлакатларда таҳсил олаётган иқтидорли ёшларимизнинг сони ортиб бораяпти. Биз уларни умид нишоналари дейишга ҳақлимиз. Ўзбекистон Республикаси «Умид» жамғармаси гранти совриндори, ҳозирда АҚШнинг Техас штатида таҳсил олаётган Иброҳим Абдураҳмонов ҳам ана шундай ёшлардан биридир. Яқинда унинг илмий изланишлари самарали натижаланди ва Европа олимлари томонидан юксак баҳоланди. Иброҳим билан суҳбатимиз у таҳсил олаётган Техас A&M университетидаги таълим тизими ҳамда ўзининг илмий қизиқишлари ҳақида бўлди.

—Техас A&M университети АҚШдаги нуфузли таълим даргоҳларидан биридир,—дейди И.Абдураҳмонов. — У қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олган. Ва ҳар бир соҳа бўйича замонавий технологик асбоб-ускуналар билан таъминланган илмий лабораториялар, ўқув хоналари, муҳокама залларига эга.

Техас A&Mдаги Ўсимликлар биотехнологияси маркази мавжуд шарт-шароитлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан ном қозонган. Бу марказ университетнинг ўсимликлар селекцияси факультети профессори, Нобель мукофоти совриндори, доктор Норман Е. Борлауг номи билан аталади. Доктор Норман бу мукофотни 1970 йил буғдойнинг энг ҳосилдор навларини яратиб қўлга киритган эди. У ҳозир ҳам университетда магистрларга маъруза ўқийди. Лабораторияда дунёнинг кўзга кўринган генетиклари йирик лойиҳалар устида иш олиб бораяптилар. Айтиш лозимки, фандаги қишлоқ хўжалиги экинлари геномини ўрганиш, экинлар сифатини яхшилашга қаратилган кўпгина илмий янгиликлар шу университет олимлари томонидан кашф қилинмоқда.

Мен пахта генетикаси бўйича қизиқишим ва қилмоқчи бўлган ишларим ҳақида Пахта генетикаси ва биотехнологияси дастури директори доктор Камал Ел-Зикка айтдим. Фикрларим унга маъқул тушди ва мени ўзининг дастурига қабул қилди. Шундай қилиб, машҳур доктор Борлауг номидаги марказда, ўсимликлар молекуляр генетикаси ва пахта тадқиқотлари лабораториясида сабоқ олишни ва тадқиқотларни бошладим.

Мен режалаштирган генетик тадқиқотда ҳанузгача ўрганиш мураккаб бўлган, пахта толасининг узайишини бошқарадиган генларни клонлаш ва пахтанинг узун толали навларини яратиш кўзда тутилган. Бу соҳа ўрганилмаган эмас, ўрганилган. Бироқ ҳозиргача ижобий натижага эришилмаган эди. Пахтада бирор қимматли белгини бошқарадиган генни клонлаш учун ҳозирги ривожланган генетик усуллар билан иш олиб борилганда 8-9 йил вақт керак бўлади.

Биз ўртага ташлаган назария жуда оддий, табиий биологик ҳодисага асосланган. Ҳаммамизга маълумки, агар ўсимликлар қоронғу жойда ўстирилса, уларнинг поя ва барг бандлари узайиб кетади. Ёруғликда эса, аксинча... Пахта толасини ҳам қоронғу жойда ўстирилса, толанинг жуда катта тезликда узайишини кузатиш мумкин. Шунингдек, кўсакка оч қизил нур билан таъсир кўрсатилганда ҳам тола узайиши қайд қилинган. Буларга асосланган ҳолда мен шу ҳодисани бошқарадиган генларни клонлашга киришдим.

Бошқа кўплаб ўсимликлардаги ёруғликка сезгир генлар фанга маълум. Бироқ пахта геномининг мураккаблиги ундан ёруғлик билан бошқариладиган генларни аниқлашни қийинлаштиради. Бу бизни пахта генларини клонлашнинг янги усулларини ахтаришга ундади. Биз марказдаги илмий раҳбарим доктор Ел-Зик ва доктор Алан Пеппер билан ҳамкорликда ана шу янги усулни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Бу янги усул пахтага қариндош бўлган, лекин геноми у қадар мураккаб бўлмаган ўсимликлар геноми ахборотларидан фойдаланишга асосланган. 1999 йил Вашингтон университети олимлари томонидан геноми жуда кичкина бўлган ўсимлик—арабидорсиснинг пахта геномига жуда яқинлиги аниқланганлиги бизга жуда қўл келди.

Шу усулдан фойдаланиб қисқа вақт ичида, пахта толасининг узайишини ва гуллашини бошқарадиган 5 та янги генни клонлашга эришдим.

Клонланган бу генлар табиатда тола узайишини тўсиб туради. Назарий жиҳатдан, бу генларни пахта толаси ҳужайрасидан махсус усуллар билан олиб ташлаш мақсадимизга етказади. Ҳозирда шу йўл билан пахтанинг янги узун толали навларини яратиш ишлари бошланиш арафасида. Бу ишларни тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораторияларида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, яқинда пахтадан қимматбаҳо белгиларни бошқарадиган генларни клонлашда ва пахта геноми картасини яратишда керак бўладиган 310га яқин микросателлите кетма-кетликларини аниқладик. Бу молекуляр маркерлар пахтадан ҳар қандай генни клонлаш имконини беради. Улар ҳозирда Дунё генлар банкига қабул қилинди (шу тадқиқотларга бағишланган мақолада Ўзбекистон давлатига алоҳида ташаккур билдирилган).

Шу тадқиқотлар бўйича магистрлик илмий ишими муваффақиятли ҳимоя қилдим. Илмий натижалар бир неча мақолалар кўринишида халқаро журналларда (Genome Research, Plant Physiology, Jornal of Cotton Science) чоп этилмоқда. Клонланган тола узунлиги ва пахта гуллашини бошқарадиган генлар, ҳозирда Дунё генлар банкига тавсия қилинди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг устивор тармоқларидан биридир. Пахтачилик эса тармоқда салмоқли ўрин тутади. Иброҳимнинг кашфиёти пахта генетиклари учун имкониятлар эшигини очиб беради. Демак, ҳали очилмаган имкониятларимиз кўп. Пахтачилигимиз истиқболи ёруғ.

— Энг муҳими, — дейди ёш олим, — кашфиётим билан ўзбек пахтачилигининг ривожланишига ва шунинг баробарида Ўзбекистонимизнинг иқтисодини мустаҳкамлашга оз бўлса-да, ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳис қилардим.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.





СУРАТЛАРДА: ёш олим Иброҳим Абдураҳмонов доктор Камал Ел-Зик билан.
Нобель мукофоти совриндори Норман Е. Борлауг номидаги Биотехнология маркази биноси.

ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАХСУС ТИЗИМЛАРИ!
ЕВРОПАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛЛАРИ.
ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, БАНКЛАР, ЭЛЧИХОНАЛАР, АЭРОПОРТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР:



- авиапарвозлар ва божхона хизматлари учун рентген назорат тизимлари.HEIMANN SYSTEMS.
- металл детекторлари: пештоқли,портатив.
- махсус хизматлар учун махсус техника.
- профессионал видеокузатув тизимлари.

Лицензия № 416 ИИВ. ёш.сақ.бош. тош. берилган
Манзил: Тошкент ш., Кичик Бешёғоч к., 189.
Мўлжал: «Локомотив» стадиони.
Тел./факс: (998 71) 191-09-09,
Тел.:(998 71) 191-30-00.

Солиқ тизимида

Солиқчиларимиз яқинда вилоят туз қазиш ва ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятда текширув ўтказиб, баъзиларнинг устомонлигидан ёқа ушлаб қолдилар. Ҳамма иллат жамият билан фуқаролар ўртасида тузилган шартнома шартлари қандай бажарилаётганлигини суриштириш чоғида аён бўлди, қўйди.

ШАРТНОМА БОР-У, ТУЗ ЙЎҚ!

Фуқаро Р.Ҳасанов билан жамият ўртасида тузилган йиллик шартномада иккала томон бажариши лозим бўлган мажбуриятлар аниқ кўрсатиб ўтилганди. Унга мувофиқ Р.Ҳасанов ҳар бир килограмми 80 тийин бўлган техник тузни қазиб бериши ва шунга яраша иш ҳақи олиши керак эди. Феврал ойида у ишига яраша 5280 сўм иш ҳақи, товон ва овқат пули олиб, орани очиқ қилган. «Ведомост»да имзоси турибди. Лекин фуқаро шу иш ҳақи эвазига қанча туз қазиб беради? Бу саволга жавоб ҳам йўқ, ҳужжат ҳам йўқ.

А.Жакабоев, К.Кастибоев, А.Жумаев ва бошқа фуқаролар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича қанча туз қазиб олинганлиги ҳамда истеъмолчиларга жўнатилгани ҳам номаълум эди. Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 76-моддасига мувофиқ товарларни юклаб жўнатувчи уни қабул қилувчи шахсга белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиши лозим эди. Минг афсуски, бу ерда жўнатилаётган товарларга ҳисобварақлар умуман расмийлаштирилмас экан. Бухгалтерия ҳисоботини юритишдаги бундай пала-партишлик жамият раҳбарларига қимматга тушадиган бўлиб турибди. Тўпланган барча ҳужжатлар тегишли идораларга тақдим этилди. Энди жамият директори Х.Ҳакимов, бош бухгалтер А.Ўралов, жавобгар шахс А.Қудратов ва уларнинг шериклари ҳужжатсиз вагон-вагон тузларнинг қаёққа ғойиб бўлганлигини маълум қилишса, ажаб эмас. Ахир, кондаги тузнинг ҳам ҳисоб-китоби бўлиши керак-да.

Солиқчиларимиз ўз постларида сергак туриб бошқа хил ҳуқуқбузарликларни ҳам фош этмоқдалар. Яқинда Қизилтепа туман солиқчилари ноқонуний фаолият кўрсатаётган сохта тадбиркорлардан бир йўла уч нафарини қўлга туширидилар. Нафиса Ортиқова, Саодат Талибоева ва Онажон Расулованинг акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни бемалол сотиб ўтирган пайтларида савдолари синди.

Бундан олдинроқ Учқудуқ туман солиқчилари ҳам ҳужжатсиз ва рухсатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган С. Санаев фаолиятига чек қўйган эдилар. У ҳам акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни яширинча сотиб юрган пайтида қўлга тушган эди. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Умуман кейинги ойлар давомида вилоятимиз солиқчилари 269 та юридик ва жисмоний шахсларни текширувдан ўтказиб, шундан 259 тасида акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотилаётганлигини аниқладилар. Шу жараёнда салкам 1,5 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 1,2 миллион сўмлик спиртли ичимликлар сотувдан тўхтатилди. Бундай қонунбузарлик ҳолатларини содир этган 146 нафар фуқарога маъмурий жарима қўлланилган бўлса, 6 нафарига эса жиноят иши қўзғатилди.

Бундай нохуш ҳолатларни кўриб ҳайрон бўласан киши. Ҳалол тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўллар очилган бугунги кунда тўғри йўл қолиб, эгриликка ўзни уриш шартмикан? Ҳамма иши қонуний бўлса, чўчимай тадбиркорлик, тижорат билан бемалол, эмин-эркин шуғулланиш мумкинлигини наҳот билмайдилар.

Нурали ЧЎЛИЕВ,
Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

SAMSUNG DIGITall
everyone's invited™



SAMSUNG кондиционерларининг янги йўналиши

SAMSUNGдан
40та қиймматбаҳо совринни
ЮТИБ ОЛ
ЎЙИНЛАР 10 ИЮН, 10 ИЮЛ, 10 АВГУСТ ВА 10 СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ

2001 йил 1 майдан - 31 августгача
NATURE INSIDE наклейкали SAMSUNG кондиционерини сотиб олган ҳар бир харидор SAMSUNGдан 40та қиймматбаҳо совринни (телевизор, видеомагнитофон, аудиосистема, чанг ютгич, микротўлқинли печ) ютиб олиш имкониятига эга.

Ўйиннинг шартларини сотиб олинаётган кондиционерлар билан бериладиган купонларда ўқинг.

Ютган купонларнинг рақамлари "Труд-7", "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталарида ва радио орқали эълон қилинади.

NATURE INSIDE

Тел.:(+998 712) 504666, 504767, 414324.
E-mail:sergey@sinta.prv.uz

АВ 4144

Гольф дунёдаги қизиқарли ва ноёб спорт турларидан бири ҳисобланади. У ўн саккизинчи асрда Англияда кашф этилган. Дастлабки расмий мусобақа ҳам айнан шу давлатда — гольф Ватанида ташкил қилинган. Шундан буён ўтган давр ичида гольф ўз жозибадорлиги ва нафислиги, ҳам беллашув, ҳам ҳордиқлилиги боис бутун жаҳонга тарқалди, десак муболаға бўлмайди.

Энди биз ҳам гольф ўйнаймиз!

Ўзбекистонда ҳам бошқа спорт турлари қатори гольфни ривожлантиришга ҳам кейинги йиллари алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, бунинг учун даставвал гольф-клуб ташкил этиш зарур эди. Шунинг учун ҳам пойтахтимиздаги "Роҳат" кўли қошида "Тошкент гольф-клуби"ни барпо этишга киришилди. Марказий Осиёда ягона спорт маскани 1998 йили фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш жоизки, ана шундай гольф-клуб Ҳамдўстлик давлатларининг фақат тўрттасида мавжуд.

Дунёвий андозаларга тўлиқ жавоб берувчи "Тошкент гольф-клуби"нинг умумий ер майдони 108 гектарни ташкил қилади. У 18 та алоҳида майдончаларга ажратилган. Мутахассисларнинг фикрича, гольф мусобақасида иштирок этаётган спортчи ўйинни охирига етказиш учун бир майдончадан иккинчисига ўтиб борар экан, 4-4,5 соат давомида тахминан 7 чақирим йўл босади.

Куни кеча ана шу сўлим гўшада гольф бўйича Ўзбекистон биринчи очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Англия, Япония, Жанубий Корея сингари ўнлаб давлатлардан кучли спортчилар ҳам иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, гарчи ушбу спорт тури билан эндигина шуғулланаётган бўлсаларда, республикамиз вакиллари чакки натижа кўрсатишмади. Фақат тажриба ва маҳоратнинг камлиги голиблик шохсупасидан жой олишга имкон бермади. Аммо беллашувларнинг бош соврини ҳам чакана эмасди — "Нексия" енгил автомобили. У Ким Хан И (Жанубий Корея)га насиб этди.

— Бугун алоҳида бир вакилимиз эмас, балки Ўзбекистон гольф спорти голиб бўлди, — дейди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов. — Муҳими, ўзбек спорти оиласига янги мусобақа келиб қўшилди. Ўйлаймизки, Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар Ўзбекистонда ҳам гольф ўйнашни қойилмақом қиладиган спортчилар борлигини эндиги чемпионатларда намойиш этишади.

Дарҳақиқат, биз катта теннисни ҳам ана шундай яхши ниятлар билан бошлагандик. Ўша орзуларнинг ушалганини бугун амалда кўриб турибмиз. Биргина "Президент кубоги"нинг икки йилдан буён АТР таснифига кирувчи 32 та турнир орасида "Энг яхши мусобақа" деб топилаётгани ҳам фикримизнинг далили бўла олади. Демак, гольф борасида яқин йиллар ичида юқори натижаларга эриша олишимиз шубҳасиз. Бунинг учун замонавий Гольф клубимиз ҳам бор, қизиқувчан, интилувчан ёшларимиз ҳам бисёр.

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР!

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Инвестициялар ва Корея савдосини ривожлантириш Агентлиги (KOTRA) сизларни 22 май соат 10.00да «SHERATON TASHKENT» (Grand Ballroom) меҳмонхонасида бўлиб ўтадиган

КОРЕЯ ТЎҚИМАЧИЛИК КЎРГАЗМАСИГА

таклиф этади.

Сиз қуйидаги тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берувчи кореялик тадбиркорлар билан амалий алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўласиз:

- *нотўқима матолар;*
- *Micro fabric;*
- *трикотаж;*
- *металл толали матолар;*
- *полиэфир толали (полиэстр) матолар;*
- *штапель духобаси;*
- *полиэфир толали бичимли матолар;*
- *спандекс;*
- *меланж матолар, бичимли трикотаж;*
- *каштачилик маҳсулотлари;*
- *тикиш иплари;*
- *дарпарда, мебель учун синтетик матолар;*
- *сунъий ипак, қоришмалар билан тўқилган матолар;*
- *толаларни елимлаш;*
- *нейлон тафтаси;*
- *ренова, шафтоли ипаги, турли мато;*
- *замша, штапель духобаси;*
- *ацетат-металл матоси, ацетат атласи.*

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: (99871) 133-48-69, 133-48-65.

«FAVORIT-AVTOXIZMAT» ОАЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йил якунлари бўйича ўтказилиши мўлжалланган, 2001 йил 25 майга белгиланган акциядорларнинг умумий йиғилиши 2001 йил 22 июн соат 10.00 га кўчирилди ва Тошкент ш., Саодат кўчаси, 21-«а» уй, «FAVORIT-AVTOXIZMAT» ОАЖ биносида ўтказилиши белгиланди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 22 июн куни соат 9.00дан 10.00гача. Йиғилиш қатнашчиларида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши шарт. Йиғилишга тегишли маълумот ва материаллар билан «FAVORIT-AVTOXIZMAT» ОАЖ маъмуриятида 10.00дан 12.00гача танишиш мумкин.

Маълумотлар учун телефон 65-76-63.

Кузатув кенгаши.

4229

Санъатга бахшида умр

Қомусий мусиқачи

Дилбар Абдураҳмонова Шарқдагина эмас, дунёдаги аёл дирижёрлар ўртасида энг пешқадамлардан бири саналади ва бу жаҳон матбуотида кўп марта эътироф этилган.

Алишер Навоий номли ўзбек давлат катта академик театри жамоаси Қоҳирада гастролда бўлганида қизиқ бир воқеа юз берганди. Одатда дирижёрлик пультига саҳнанинг бир томонидаги зинадан тушилади. Қоҳирадаги театрда эса оркестр аъзолари ва дирижёр томошабинлар ўтирадиган залнинг охиридан, ўриндиқлар ўртасидан келиб, оркестр олдига тушар экан. Зал томошабинлар билан лиқ тўла. Спектаклнинг бошланишига саноқли дақиқалар қолган. Дирижёр залнинг у бошида пайдо бўлиши билан томошабинлар ўринларидан туриб кетишди. Кимдир унга ҳавас билан боқар, кимлардир ўринларидан туриб таъзим айлашар, яна кимдир уни тўхтатишга интиларди. Томоша бошланмасиданоқ томошабинлар қалбини ром этган дирижёр аёлга олқишлар давом этарди.

Германияда Жаҳон опера спектакллари кунлари ўтказилганда ўзбекистонликлар Берлин, Дрезден ва Лейпцигда ўз репертуари билан қатнашганди. Ушанда томошабинлар «Фауст» спектаклини қўйган тошкентлик санъаткорларга, дирижёр Дилбар Абдураҳмоновага ўз миннатдорчиликларини қарсаклар билан саҳнада сал кам ярим соат ушлаб туриш билан билдиргандилар. Қилни қирқ ёрадиган ғарб мусиқашунослари уни «У шундай дирижёр эканки, унга касбнинг барча сирлари аён» деб бошларига кўтардилар, улуғладилар.

Мустақиллик унга кўпдан-кўп янги имкониятлар берди. Кўп давлатларда сафарда бўлди. Қаерга бормасин, Ўзбекистон шарафи, обрў-эътибори учун курашди.

Дилбар Абдураҳмонова санъаткор оиласида дунёга келган. Отаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғулом Абдураҳмонов етакчи санъаткорлардан эди. Онаси Зуҳра опа биринчи аёл вокалистлардан бўлган. Катта театрнинг катта ҳаёти қиз қалбини ром қилганди. У Глиэр номли мусиқа мактабида ва математика йўналишидаги ўрта мактабда ўқиди. Лекин олий ўқув юртига кириш олдидан консерваторияни танлади. Талабалик вақтидаёқ Навоий номли театрга ишга таклиф этилди. Бу ерда оркестр билан ишлаш йиллари унинг учун ўрганиш, изланиш ва катта ҳаёт мактаби бўлди. Ўсди, улғайди, маҳорат пиллапояларидан санъат чўққиси сари интилди.

— Театрда Дилбар дирижёрлик қилаётган бўлса мен уни дарров ҳис этаман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Галя Измайлова. — У турган пультда юксак маҳорат уфуриб туради, киши мусиқа қанотида юксакларга парвоз этади. У ажойиб санъаткор, катта қобилият эгаси. Ниҳоятда меҳнаткаш, ўз устида тинмай ишлайди, чарчамайди. Ижод учун вақтини аямайди, унга бутун умрини бахшида этган. Бошқаларга ўхшамайди. Ҳар бир ижрочи билан алоҳида ишлайди, ўргатади, ёрдам беради.

Ҳақиқатан ҳам, Дилбар Абдураҳмонова иштирок этган ҳар бир спектакл алоҳида ажралиб туради. Унинг «Оловли фариштa» спектаклини қўйиши катта шовшувга сабаб бўлди. Боиси унча-бунча санъаткор юрак ютиб бунга қўл уролмасди. Асарнинг асли қироллик кутубхонасида Лондонда сақланар экан. Ўзбек аёлига ана шу асл нусхадан спектакл тайёрлаш насиб этди ва буни катта мусиқашунослар «Санъатдаги ҳақиқий жасорат» деб номлашди. Мазкур асар жаҳондаги кўп мамлакат саҳналаридан муносиб ўрин олди. Бу воқеа санъат оламида афсонага айланди.

Ижодкор жаҳон опера ва балети даражасидаги 60 дан зиёд спектакларни саҳналаштирди. Бу даражага эришиш учун катта билим ва маҳоратга эга бўлиш даркор. Уни қомусий мусиқачи деб бежиз номлашмаган.

Ана шу санъат фидойиси ҳозир республикамиз мустақиллигининг ўн иллигига янги асарлар тайёрламоқда. Янги йўналиш билан яратилган «Спартак» балети шулар жумласидандир.

Будир ПЎЛАТОВ.

Vinlad Ҳаётингизни осойишта қиламиз!

Аввалги мақоламизда биз номи дунёга машҳур бўлган компанияларнинг бирлашиб, ўта муҳим объектларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича янги қадам қўйилгани ҳақида ҳикоя қилиб берган эдик.

SH Export
Security House Export
Нидерланды

Бугун биз

NORTHERN COMPUTERS, FBII, ADEMCO MICROTECH.

компаниялари тўғрисида ҳикоя қилиб берамиз.

КЕЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ

Northern Computers компаниясига 1982 йилда асос солинган бўлиб, фойдаланиш тизимларини бошқариш ва назорат қилиш бозорида жаҳонда етакчи фирмалардан бири ҳисобланади.

Компаниянинг бош офиси АҚШнинг Висконсин штатидаги Милуоки шаҳрида жойлашган. 2000 йилдан бошлаб **Northern Computers** компанияси **Pittway Group** билан бирга **Honeywell** компанияси таркибига киради.

Northern Computers томонидан фойдаланиш тизимларини бошқариш ва назорат қилиш ускуналари билан жиҳозланган объектларга Ўзбекистон Марказий Банкининг кўпсонли бўлимлари, тижорат банклари ва фирмалар Motorola, AIG чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва бошқалар мисол бўла олади.

Ускуналар ишлаб чиқариш ва фирманинг дастур билан таъминлаш усули амалда офислар, банклар, шифохоналар, университетлар, жумладан, ҳудудий тақсимланган объектлар учун ҳар қандай мураккабликдаги ва функционал имкониятларга эга бўлган тизимларни яратиш имконини беради.

«Northern Computers»нинг ускуналаридан фойдаланиб ва дастур таъминотини қўллаб, ҳавфсизликни комплекс интеграллашган (яхлит) тизимларни яратиш мумкин, жумладан, телевизион кузатув тизимини ҳам. Компания ускуналари сертификатга эга. Дастур таъминоти ва ҳужжатлар рус тилига таржима қилинган.

ҚЎРИҚЛАШ ВА ҚЎРИҚЛАШ-ЁНҒИН СИГНАЛИЗАЦИЯСИ УСКУНАЛАРИ

FBII — қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси ускуналари тизими бозорида 30 йилга яқин ишлаётган Американинг машҳур компанияларидан биридир.

FBII (Fire Burglary Instruments, Inc) ускуналари — жаҳоннинг 65 дан ортиқ мамлакатларида ўрнатилган. ISO-9001 сертификати компаниянинг юқори даражага эга эканлигидан далолат беради. Янги жиҳозлардан OMNI сериясидаги назорат панеллари, бой функционал имкониятлар ва турли хил периферия қурилмаларига эга бўлган радиоканал ускуналаридан фойдаланиш мумкин.

«Ademco Microtech» (Буюк Британия) компанияси ўзи ишлаб чиқараётган ускуналари билан машҳур. Унинг квартиралар ва кичик офислар учун катта бўлмаган тизимлардаги ускуналари ҳамда йирик, ҳудудий тақсимланган объектлар учун хавфсизликнинг мураккаб комплекс тизимлари билан ишонч қозонган. **«Ademco Microtech»** Европа бозорини яхши билиши билан ажралиб туради. Унинг 8 дан 512 ҳудудгача, кенг периферияли Galaxy назорат панелли сериядаги ускуналари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси, 700022, Тошкент ш., Қушбеги к., 18.
Тел.: (998 712) 50-99-13, (998 712) 50-46-13.
Факс (998 712) 120-66-01.
E-mail: vinlad@naytov.com

Лицензия МВД № 28/4 103 и Лицензия МВД УПО № 377

4159

Бобур номидаги Халқаро жамғарма

ўтмиш меросимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ва Андижонда фаолият кўрсатаётган «Бобур ва жаҳон маданияти» музейини янги экспонатлар билан бойитиш мақсадида шахсий архивларда сақланаётган, аҳоли қўлида мавжуд бўлган Заҳириддин Бобур ва бобурийлар сулоласига дахлдор турли қўлёзмалар, тошбосма китоблар, миниатюра ва фотосуратлар, тарихий аҳамиятга молик ашёларни ***келишилган нархда сотиб олади.***

Мурожаат учун манзил:
Андижон шаҳри, Мирпўстин кўчаси, 32. Тел. 8-3742-242563.
Тошкент шаҳри, Марказ-17/18, 4-уй, 192-хонадон. Тел. 40-34-83 .

4283

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ

товар сертификация қилинган 5-8049

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП.)

ЛАМПАЛАР

(ЛД, ДРП, ДНПТ.)

ЁРИТГИЧЛАР

(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

БУЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА ЯКИН ВА УЗОК ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Ўзбекистон, 700060, Тошкент ш., Нукус к., 29-«Д», «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 5 қават.

Тел./факс: (+998 71) 136 01 87, 133 12 84.

4179

«MALVIL» МЧЖ

саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.

АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V)

Ишлаб чиқарувчи:
Италия *(CEMONT).*

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ

Ишлаб чиқарувчилар:
Италия *(CEMONT),* ***Украина*** *(SELMA).*





КАФОЛАТ. ЭХТИЁТ КИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

2771

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавстандарт» жамоаси бош муҳосиб
Гавҳар ЮСУПОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси муҳаррир Ж. Барноевга отаси
Сафар БАРНОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси жамоаси Тошкент банк коллежининг директори Зайниддин Худойбердиевга падари бузруквори
ЁВҚОЧ отанинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Медиз» қўшма корхонаси жамоаси «Тошкент-Тибтехника» корхонаси директори
Миробид ОЧИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги жамоаси атом назорати инспекцияси бош мутахассиси, давлат инспектори Рахматулла Мақсумовга умр йўлдоши
КАРИМАХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти жамоаси Иқтисод ва тадбиркорлик бўйича проректор ўринбосари Тоҳир Тўражоновга онаси
Кимё ТОЛИПОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **О. РАҲИМОВ.**
Навбатчи — **А. САТТОРОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **О. АБДУАЗИМОВ.**

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6